

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРAT ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**503** Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни  
ҳаво транспортида ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
19 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1721-2*

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 46-модда) мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 24 августдаги 131-сон буйруғи (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 17 сентябрь,  
30-н-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлигининг 2013 йил  
17 сентябрдаги 30-н-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво  
транспортида ташиш қоидалари»га (ЎзР АҚ-198)  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 104-банддан ва 327-банднинг «б» кичик бандидан «, техник шартларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 108-банддаги «давлат (тармоқ) стандартларининг ва техник шароитларнинг» деган сўзлар «давлат стандартларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**503-504-моддалар**

**— 46 —**

**38 (590)-сон**

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2013 йил 16 сентябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. АЛИМОВ**

*2013 йил 16 сентябрь*